

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО  
ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**



**МИЛЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ  
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ  
ЮКСАЛИШИДА  
АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ**



Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриёт матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2020

**УЎК: 13.37**

**КБК:**

**T-11**

«Миллий ва маънавий қадриятларнинг юксалишида аёлларнинг ўрни» номли конференция материаллари тўплами / тузувчи Р. Матибаева. – Тошкент : Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020. – 468 б.

***Тахрир ҳайъати:***

- |                    |   |
|--------------------|---|
| <b>З.Исломов</b>   | – Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, масъул муҳаррир                   |
| <b>Р.Матибаева</b> | – Хотин-кизлар билан ишлаш бўлими бошлиги, ҳайъат аъзоси                          |
| <b>Г.Фузаилова</b> | – «Ислом тарихи ва манбашунослиги» кафедраси доценти, ҳайъат аъзоси               |
| <b>М.Алимова</b>   | – “Диншунослик ва динларни қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси мудири, ҳайъат аъзоси |

ISBN 978-9943-5688-9-1

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020

<b>А.Казакбаев.</b> Интеллектуал ёшлар салоҳияти - жамиятдаги замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишнинг муҳим омили.....	148
<b>Р.Джураева.</b> Ёш авлодни тарбиялашда инфор­мацион технологияларнинг ўрни .....	152
<b>С.К.Жамалов.</b> Ислом манбаларида аёллар эъзози .....	154
<b>Ф.Бабажанова.</b> Замонавий шарқ аёли улкан ва­зифалар ва катта имкониятлар сари.....	157
<b>Ф.Бабажанова, Ф.Худойқулов.</b> Фарзанд руҳий соғломлигида оиланинг ўрни .....	161
<b>М.Ботиров.</b> Оила муносабатлари мустахкам­ланишида аёлларнинг роли .....	164
<b>И.Атамирзаев.</b> Янги­ланаётган жамиятда аёлларнинг ҳуқуқий иж­тимоийлашуви .....	167
<b>И.Атамирзаев, Б.Мир­саидов, Ж.Якубжанов.</b> Ўзбекистонда га­строномия туриз­мини ривож­лантиришда аёлларнинг ўрни .....	171
<b>И.Атамирзаев, А.Аб­дурахмонов.</b> Аёл – оила мустахкам­лигининг асос­чиси .....	174
<b>Б.Тиллаев.</b> Талаба - қизларда мустақил­лик тафакку­рининг шакл­лантириш оми­ллари .....	177
<b>Т.Турк­манов.</b> Влия­ние спорта в воспитании молодежи .....	179
<b>А.Равшанов.</b> Қизлар тарбияси жамият ва давлат учун ҳам муҳимдир.....	182
<b>Ш.Асам­ходжаева.</b> Илм-фан соҳасини ривож­лантиришда тадбир­кор аёллар­нинг ўрни.....	185
<b>Н.Шаис­ламова.</b> Ўзбекистонда тадбир­кор аёллар­нинг инвести­ция фаолиятига таъсир этувчи оми­ллар ва улар­ни пасайти­риш чора-тадбирлари.....	188
<b>А.Султо­нова.</b> Ислом манбаларида аёлларга муносабат ва гендер тенглик .....	193
<b>С.Бурхо­нова.</b> Замонавий жамиятда аёл­нинг ўрни ва роли .....	195
<b>Н.Ханова.</b> Замонавий жамиятда аёллар­нинг иж­тимоий роли .....	198
<b>Н.Мама­далиева.</b> Бирлашган миллатлар таш­килоти ва Ўзбекистон қонунчили­гида хотин-қизлар­нинг ҳуқуқий ҳолати .....	200

**Алишер Равшанов**

ТИҚХММИ катта ўқитувчиси

## ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ УЧУН ҲАМ МУҲИМДИР

Ўзбекистон Республикасида маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини, бола тарбиясида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари, тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланиб, 18 ёшигача давом этадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методика ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш; ёшларни мустақил ҳаётга кафолатли тайёрлаш, ёшларни шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтириш, рақобатбардош, зарур ҳолларда мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар қилиб вояга етказиш, дунёқараши кенг, мустақил фикрга эга, азалий миллий ва диний қадриятларимизга содиқ, фаол фуқароларга хос фазилатларга эга бўлишлари учун илмий-методик, ташкилий, инфор­мацион шароитларни яратишдир.

18 ёшда шахснинг мустақил ҳаётга тайёрланиш, касб танлаш, фуқаролик масъулиятининг шаклланиши, қадриятлари, дунёқараши ва ижтимоий-ролларининг асосларини мақсадли, узлуксиз, институционал тарбия даври тугайди. Ўспирин балоғатга етади. Болалик давридан чиқиб, катталар ҳаётини бошлайди. Бу – ўз-ўзини тарбиялаш даврини бошлаб беради. Бунда шахс ўз тажрибаси, ОАВ, маънавий-маърифий ишлар таъсирида мустақил қарорлар қабул қилишга киришади. Узлуксиз тарбия тизими ўсмирларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиб, ҳаётга тайёрлайди [1].

Мамлакатимиз мустақил ривожланиш йиллари давомида аёлларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ўз-ўзидан аёнки, республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш соҳасидаги салмоқли муваффақиятларининг аҳамияти ҳам салмоқлидир.

Барчамизга маълумки қадимдан аجدодларимиз бола тарбиясига жуда катта эътибор берганлар, айниқса қиз бола тарбияси ва камолоти ҳақида қайғурганлар. Халқаро қизлар куни (ингл. International



Day of the Girl Child) — ҳар йили 11 октябрда нишонланадиган сана бўлиб, қиз болаларнинг ҳаётига таҳдид туғдириши муқаррар бўлган турли муаммолар ва хавф-хатарларнинг олдини олишга барчанинг эътиборини қаратиш мақсадида 2012 йили БМТ томонидан махсус таъсис этилган. Бу санани нишонлашдан асосий мақсад қизлар ҳар куни тўқнашаётган ижтимоий муаммоларнинг ечимини топиш ва уларни камситишнинг ҳар қандай турини бартараф этишдан иборатдир. Мазкур муаммолар сирасига таълим олишнинг чекланганлиги, тўйиб овқат емаслик, тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиш имкониятининг йўқлиги, ижтимоий ҳуқуққа эга эмаслик, зўравонлик ҳамда вояга етмаган қизларни мажбурий никоҳлаш сингари долзарб муаммолар киради. Зеро, қиз бўлажак она ҳисобланади. Таниқли педагог А.С.Макаренко шундай дейди: «Болага тарбияни 5 ёшгача беришимиз керак. У 90% тарбияни беш ёшгача олади, ундан кейинги тарбиялар эса болада уни мустаҳкамлаш билан кечади». Аввало бола тарбияси, хусусан, қиз боланинг тарбия жараёнида ҳуқуқлари камситилмаслиги мақсадга мувофиқ. Ислом дини таълимотида қиз бола тарбиясига катта эътибор қаратилган. Имом Бухорий «Ал-адаб ал-муфрад» китобида қуйидаги ҳадисни нақл этган. Жобир ибн Абдуллоҳ разиаллоҳу анҳу айтади: «Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг учта қизи бўлиб, уларни ўз кўлида тарбиялаб, катта қилса, жаннатга кириши муқаррардир», дедилар. Қиз боланинг кўнгли нозик бўлганлиги сабабли, уларга алоҳида меҳр кўрсатилади, ва уларга ҳар томонлама таълим тарбия беришга чақирилади. Бу ҳақида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Фарзандларингизга таълим беринг, чунки улар сизники бўлмаган вақт учун туғилганлар». Демак ҳар бир ота-она боланинг ўз замонасининг илм-фанини эгаллашига бефарқ қарамаслиги керак. Оилада қиз бола тарбияси аёлга, онага ишониб топширилади. Қизлар оила сабоқларини бобо-бувисидан, ота-онасидан, ака-опаларидан, кўни-қўшниларидан, жамийки маҳалладошларидан олади. Тарбияда энг масъулиятли вазифа онага топширилар экан, онажонларимиз бу жараёнларга янада эътиборли бўлиб қизларининг соғлом униб ўсиши, илму ҳунар эгаллаб, одоб-ахлоқ, ибо ҳаёда ҳам бошқакларга ўртак намунасини кўрсатадиган қиз бўлиб камолга етишига аҳамият қаратадилар [2, 47-50 б.]. Хусусан, қиз болага илм ўргатишдан ташқари, касбу ҳунар эгаллашига кўмак бериш, пишириш, тикиш-бичиш, бола парваришлаш,

қўйингки, кундалик турмушда зарур бўлган билимлар билан доимий таништириб бориш лозим. Тарбия жараёнидаги энг муҳим восита бу - меҳр ва ширинсўзликдир. Бу икки восита нозик қалб соҳибаси бўлган қиз боланинг кўнглига йўл топиш, уни авайлаб парваришлаш учундир. Жамиятда ана шундай ибратли оилаларда улғайган қизларга боқиб улуғ адибимиз Абдулла Қодирий асарларида келтирилган Кумушу Раънолар кўз олдимизда қайта гавдаланади. Қиз бола онасидан одатда гап сўз ўрганайди, ҳаракатларига тақлид қилади. Айниқса, қиз бола то турмушга чиққунигача онасининг измида юради. Қиз боладан энг яқин кишинг ким деб сўраганларида ҳам «онам» деб жавоб беради. Қиз боланинг тарбияси нозик эканлиги тўрисида кўп гапирармиз, амалдачи бунга қандай ёндошиш лозим? Одатда балоғатга етган қизларга меҳмондай муносабатда бўлишади. Ҳар бир ҳаракатлари тўғирланиб, келин бўлиб тушадиган хонадон учун тайёрлайди. Қиз бола тарбиясининг замирида ҳам аслида бекаликка, оналикка тайёрлаш ётади. Дилдан чиқмаган гаплар билан уни эркалашни эса у тезда пайқайди ва гапингизни қабул қилмайди, шундай экан уни кўпроқ ўпинг ва эркалатиинг, камчиликларини юзига солаверманг. Қиз болани тарбиялашда қайсарлик қилган вақтида уни қаттиққўллик билан жисмоний жазо қўллаш яхшимас, чунки қиз онасидан калтак ейишдан қўрқиб ўз фикрини айтолмаслиги ва энг муҳими онасини сирдоши қилиб қабул қила олмаслиги мумкин. 11 ёшидан қиз боланинг руҳияти, дунёқарashi ва фикрлаши кундан кунга ўзгаради. Ҳаттоки тўғри йўлни кўрсатадиган оналарининг гапини олмаслиги ҳам мумкин. Шундай ҳолларда қиз боланинг кўнглига яхши сўзни қурол қилиши лозим бўлади.

Ривоят қилинишича, кунларнинг бирида Лукмони Ҳаким бир онанинг ўз қизига қилаётган насиҳатини эшитиб қолибди: «Қизим сен ҳам балоғат ёшига етиб қолдинг, эртага бировнинг ҳасмига айланасан. Менинг уйимга эса меҳмонга келасан, холос. Сен яхши ҳаёт кечираман, обрў-эътиборли бўлиб юраман десанг, қайнонангни ҳурмат қил, барчадан эрта тур, ҳаммадан кеч ёт, қўлинг эгри бўлмасин, бошингга қилич келганда ҳам рост гапир, ёлғончи, иккиюзламачи, чақимчи, ғийбатчи бўлма. Қайнонангни, оила аъзоларингни ёмонлама. Зийрак, доно, ақлли бўл! Шунда Лукмони Ҳаким «Онасини кўриб қизини ол, арқоғини кўриб бўзини ол» деганлари шу бўлса керак деб, йўлида давом этибди. Қиз келин бўлиб тушган хонадонидан тиниб

тинчиб яшаши учун ҳаммага чиройли муносабатда бўлиши лозим бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир қизнинг тарбияси, унинг камолоти, унинг бир оиллага севимли келин бўлиб бориши нафақат ўзи учун, балки бутун бир жамият ва давлат учун ҳам муҳимдир. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади, бу эса жамиятнинг раванк топишига энг катта қўшилган ҳисса бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарори
2. Фарсахонова Д. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари. // Халқ таълими журнали, 2007 йил, 2-сон
3. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – 448 б.
4. Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007 йил. - 229 бет.

\* \* \*

**Шоира Асамходжаева,**  
*ТМИ, «Баҳолаш иши ва инвестициялар»  
кафедраси катта ўқитувчиси*

### **ИЛМ-ФАН СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ**

Ҳар йили миллий иқтисодиётимиз тармоқлари ва ижтимоий соҳани кўплаб йўналишларда ривожлантириш бўйича давлат илмий-техник дастурлари амалга оширилиб келинади. Мамлакатимизда ўтказиладиган Инновациялар ярмаркаси илм-фанга қўшимча инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмларидан ҳисобланади. Бу ярмаркада энг истиқболли янгиликларни намойиш қилиш ва уларни харид қилиш ҳамда кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бирга буюртмалар асосида яратилаётган бўлажак илмий ишланмаларни молиялаш тўғрисида шартномалар тузилмоқда. Бу ярмаркалар орқали тадбиркорлар ўз инновацион лойиҳаларини оммага ҳавола этиш ва уни керакли жойда



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**МИЛЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ  
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЮКСАЛИШИДА  
АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2020

Нашр учун масъул: **И.Ашурматов**  
Муҳаррир: .....  
Бадий муҳаррир: **Ф.Собиров**  
Дизайнер-саҳифаловчи: **Л.Абдуллаев**

Нашриётнинг лицензия рақами АА № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босмахонага ..... йилда берилди.  
Бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Шартли б.т. .... Нашр т. ....  
Адади ..... нусха. Буюртма № .....  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.